



Ўзбекистон касаба уюшмаларининг “ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ЙУЛИДА БИРЛАШАЙЛИК!” шиори остида ўтказилган Форуми иштирокчиларининг Ўзбекистон касаба уюшмалари аъзоларига МУРОЖАТИ

Ҳурматли касаба уюшмалари аъзолари!

Азиз юртдошлар!

Барчамига яхши маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бутун халқимизнинг саъй-ҳаракатларини ягона олижаноб мақсад – изчили ва барқарор ривожланаётган, эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини барпо этиш йўлида бирлаштиришга давлат этди.

Шу улуғвор мақсад йўлида давлатимиз раҳбари ташабbusи билан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ишлаб чиқилди ва ҳаётга изчили татбиқ этилмоқда.

Ўз сафларида 6 миллион 300 минг нафардан ортиқ аъзоларни бирлаштирган Ўзбекистон касаба уюшмалари вакиллари, шунингдек, мамлакатимизнинг турли худудлари ва тармоқларида фойдойлилк кўрсатган меҳнат фаҳрийлари, юртимиз ифтихорига айланган илм-фан, санъат, спорт ва бошқа соҳалар намояндадари – барчамиз “Ҳаракатлар стратегияси”ни кўллаб-куватлаймиз ҳамда бу дастuriй ҳужжатни амалга оширишдаги иштирокимизни янада кучайтиришимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.

Қадрли касаба уюшмалари аъзолари!

Сизларга “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни ҳаётга самарали татбиқ этиш йўлида бирлашиш, жиспласишиш, ўзаро ҳамжиҳатилиқда иш олиб бориш учун мурожаат қўлимоқдамиш.

“Ҳаракатлар стратегияси”ни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга доир давлат дастuriда белгиланган энг муҳим вазифалар талабларидан келиб чиқиб, касаба уюшмаларининг диққат-этиборини қуидига асосий вазифаларга қаратишлозим, деб ҳисоблаймиз.

Биринчи устувор йўналиш – Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш бўйича:

демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда, айниқса ижтимоий соҳани ривожлантиришда касаба уюшмаларининг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш;

давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, бу борада белгиланган қонун ҳужжатлари лойиҳаларига касаба уюшмаларининг асосланган таклифларини киритиш;

тармок, худудий ва бошлангич касаба уюшмалари ташкилотлари раҳбарларининг салоҳияти ва нуғузини кўтариш, уларни давлат органлари ва иш берувчиларнинг тенг ҳуқуқли ижтимоий ҳамкорига аллантириш;

жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш, хусусан, касаба уюшмалари томонидан олиб бориладиган жамоатчилик назоратининг ягона механизмини шакллантиришимиз зарур.

Иккинчи устувор йўналиш – Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш бўйича:

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, бу борада қонунчиликда белгиланган касаба уюшмаларининг ҳуқуқ ва ваколатларидан тўлиқ ҳамда самарали фойдаланиш;

жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбазарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириша тегиши мутасадди идоралар, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликинг янги, самарали шаклларини жорий қилиш;

касаба уюшмаларининг юридик хизмати фаолиятини такомиллаштириш, шу жумладан, касаба уюшмалари аъзоларига бериладиган белуп ҳуқуқий ёрдам кўламини кенгайтириш;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ўртасида меҳнат муносабатларига доир масалалар юзасидан доимий ҳамкорлини йўлга кўйиш лозим.

Учинчи устувор йўналиш – Иктисолидётни ривожлантириш ва либераллаштириш бўйича:

касаба уюшмалари иштирокида тузилган Бош, худудий ва тармоқ келишувлари, жамоа шартномаларидан корхона, ташкилот, муассасалар ва пировард натижада Республика макроиқсодий барқарорлигини мустаҳкамлашнинг таъсирчан ҳамда самарали механизми сифатида фойдаланишда учтомонлама ҳамкорликин кучайтириш;

иктисолидётнинг реал секторида тариф келишувлари ва мосланувчан жамоа шартномаларини қабул қилиш амалиётини кенгайтиришга қаратилган комплекс-чора-тадбирларни амалга ошириш;

таркибий ўзgartаришларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш жараёнларида иш берувчилар ва ходимлар манфаатлари ўйнуглигини таъминлашга фаол қўмаклашиш;

иктисолидётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳукукини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рафбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни қўллаб-куватлаш;

кичик бизнес субъектлари ходимларини касаба уюшмаларига фаол жалб қилиш, меҳнат муносабатларини түғри йўлга кўйиш, меҳнат муҳофазасини ташкил этиш масалаларида кичик бизнес субъектларига касаба уюшмалари томонидан бериладиган ҳуқуқий маслаҳатлар кўламини кенгайтириш;

корхоналарда меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси ва иш ҳақининг меҳнат стандартларига мувофиқлиги бўйича мониторинг ишларини кучайтиришимиз талаб этилади.

Туртунчи устувор йўналиш – Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича:

аҳолининг бандларига ва реал даромадларини изчили оширишда касаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлаш;

жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кекса авлод вакилларини маънавий ва моддий кўллаб-куватлашга қаратилган тегишили чора-тадбирларни амалиётга татбиқ этиш;

уруш ва меҳнат фронти фаҳрийлари, пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз қариялар ва аҳолининг бошқа ночор қатламлари вакилларининг санаторий муассасаларида бепул даволанишини ташкил қилиш;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш;

жойлардаги болалар оромгоҳлари ва санаторийларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда болапарни, аёлларни, умуман, оиласаларни соғломлаштириш ва дам олдириш самараордлигига эришиш;

нотинч оиласалар фарзандлари, уюшмаган ёшлар, иш билан бўлмаган, “оммавий маданият” таъсирига тушиб қолган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олишда уларни ота-оналарининг масъулиятини оширишга, қашандалик, алкоголли иҷимликлар истемол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикасига оид таъсирчан чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги фаолиятимизни янги боскичга олиб чиқишимиз зарур.

Бешинчи устувор йўналиш – Хавфисизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликини таъминлаш, шунингдек, вазмин, ўзаро фойдали ва конструктив ташки сиёсатни амалга ошириш бўйича:

хавфисизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликини тарғиб қилиш борасида касаба уюшмалари иштирокини таъминлаш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш;

халқаро ҳамкорлик муносабатларини изчили ривожлантириш, хусусан, Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) конвенцияларини ратификация қилиши, ратификация қилинган конвенцияларда белгиланган мажбуриятларни бажариши йўлида ХМТ билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш;

Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси билан ҳамкорликни янада кучайтиришимиз талаб этилади.

Форум иштирокчилари мамлакатни модернизациялаш ва янгилаш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги устувор дастурлар ижросини таъминлаш йўлида барча ишчи-хизматчилар, раҳбарлар, мутасаддилар, дехон-фермерлар, талаба-қуувчилари:

ўз меҳнат вазифаларини ҳалол ва сидқидилдан бажариш;

ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ресурсларнинг иқтисод қилинишига кўмаклашиш;

энергия ресурслари истемолини қисқартириш ва ишлаб чиқаришда ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

технологик жараёнларни ҳамда материал-хом ашё ресурсларини сарфлаш нормаларини ва ноишлаб чиқариш харажатларини оптималлаштириш;

ўз малакасини муттасил ошириб бориш асосида илфор тажрибаларни ўзлаштириш, фан ва техника ютуқларини амалиётга жорий этиш, рационализаторлик ва ихтиорочиликни ривожлантириш;

ташкilotларнинг муваффақияти фаолият юритишига, меҳнат маданияти ва интизоми кўтарилишига эришиш, ҳар бир жамоада жамоа шартномасини тузиш, унинг бажарилиши устидан назоратни йўлга қўйиш ишларида жонбозлик кўрсатишга чақиради.

Биз - Форум иштирокчилари барча касаба уюшмалари аъзоларини муҳтарам юртбошимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Ҳаракатлар стратегияси”ни амалга оширишда ўз билим ва салоҳият, гайрат ва шижоати, фоя тақлифлари билан фаол иштирок этишига, йўлбошчимиз атрофида жисплашишга давлат этамиз!

Ўзини мана шу Ватан фарзанди деб ҳисоблайдиган, юртимизда амалга оширилётган испоҳотларга бевосита даҳлдор деб билган ҳар бир касаба уюшмаси аъзосини мамлакат тараққиётини учун фоят муҳим бўлган бу жараёнда барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, бир сўз билан айтганда, “бир ёқдан бош чиқариб” фаолият юритишига чақирамиз.

Азиз дұстлар!

“Юрт тараққиётини йўлида бирлашайлик!

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Форуми иштирокчилари